O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. № 20209

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 24-yanvar • Shanba • 10 (27.971) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Иқтисодий ҳамкорлик борасида Ўзбекистон ва Россия ишончли шериклардир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. 2008 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон экспортида саноат маҳсулотларининг, хусусан, автомобилларнинг улуши (жами экспортнинг 28,6 фоизи) ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Россияга хизматлар (26,3 фоиз), мева ва полиз маҳсулотлари (16,3), табиий газ (11,3), тўқимачилик буюмлари (5,7), кимё саноати маҳсулотларини (4,1) экспорт қилади.

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ:

# ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 22 январь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Аввало, мамлакатларимиз ўртасида 2004 йилда стратегик шериклик, 2005 йилда иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар имзоланиб, ўзаро ҳамкорликни олий босқичга кўтариш учун ҳуқуқий асос яратилганини таъкидлаш жоиз. Умуман, мамлакатларимиз ўртасида давлат ва ҳукумат даражасида турли йўналишлардаги ҳамкорлик масалаларини қамраган юз элликдан зиёд ҳужжат қабул қилинган.

Россия — Ўзбекистоннинг энг муҳим ва ишончли ҳамкорларидан бири. Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардан ташқари, коинот тадқиқотлари каби мураккаб йўналишларда ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Россия ҳам, Ўзбекистон ҳам муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этиш керак. Бу манфаатдорлик иқтисодий шериклик ва халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашда, шу билан бирга, хавфсизликни мустаҳкамлаш, турли таҳдидларга қарши курашиш борасида ҳам намоён бўлади. Россиянинг жанубий ҳудудлари хавфсизлигини таъминлашда Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда асосий ўрин тутувчи Ўзбекистон ғоят муҳим аҳамият касб этади. Икки томонлама ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик ҳам жадал ривожлантирилмоқда. Бу ҳамкорлик ҳарбий машқлар ўтказиш, кадрлар малакасини ошириш, ҳарбий техникани янгилаш ва замонавийлаштириш каби муҳим йўналишларни ўз ичига олади.

Давлатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи бу фикрнинг ёрқин тасдиғидир.

Ўзбекистон ва Россия 2009 йилда ўз ташқи сиёсий фаолиятини Тошкент саммитидан бошлагани ҳам чуқур рамзий маънога эга. Бу муҳим воқеа Ўзбекистон ва Россияда икки томонлама муносабатларга алоҳида эътибор билан қаралишининг яна бир ифодасидир.

23 январь куни Дўрмон қароргоҳида Россия Федерацияси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Россиянинг давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг якка-якка суҳбати бўлди. Президентлар Ўзбекистон — Россия муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдилар. Стратегик шериклик ва иттифоқчилик ўзаро ҳамкорлик тараққиётининг муҳим омили экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Россиянинг сиёсий ва иқтисодий алоқалари жуда фаол ва кенг қамровга эга. Халқаро майдонда икки давлат бир-бирини қўллаб-қувватлаб келади. Бу муайян масала ва муаммоларга қарашлар ўхшаш ёки яқин эканининг натижасидир. Сиёсий ҳамфикрлик Афғонистонда тинчлик ўрнатиш муаммосида ҳам, энергетик хавфсизлик борасида ҳам яққол намоён бўлади. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч қарор топган.

Икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлик касб этгани ҳам муҳим омил бўлмоқда. 2008 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов расмий ташриф билан Россияга борди.

(Давоми 2-бетда)

## Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир



# ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ МАСКАНИ

Фарғона шаҳридаги 27-умумтаълим мактаби ўқувчилари ўқув йилини шодиёналик билан бошлаган эди. Чунки мамлакатимиздаги кўплаб билим даргоҳлари каби ушбу мактаб биноси ҳам қайта таъмирдан чиқарилди. Билим маскани компьютер ва замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Эндиликда ўқувчиларнинг билим олишлари, амалий машғулотлар ўтказишлари ва спорт билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилди.

**Суратларда:** бошланғич синф ўқитувчиси Зулхумор Убайдуллаева машғулот пайтида; 2-синфнинг аълочи ўқувчиси Ноила Анварова.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**



## 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

# «ҲАҚҚ-ТЕКС» ХОРИЖГА ЧИҚМОҚЧИ

Норин туманидаги Қўрғонтепа қишлоғида янги саноат корхонаси иш бошлади. Қишлоқ тадбиркорлари томонидан собиқ Ғалаба ширкат хўжалигининг эски саройи сотиб олиниб, тўқув-тикув корхонаси қурилди. У «Ҳаққ-текс» МЧЖ сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди.

«Ҳамкорбанк» томонидан берилган 52 000 АҚШ доллари миқдоридаги бошланғич сармояга хорижнинг энг янги 9 та тўқув ва бир неча тикув дастгоҳлари сотиб олинди. Тўқилган матолардан бежирим болалар кийимлари тикиш йўлга қўйилди. Япония технологияси бўйича Хитойда ишлаб чиқарилган ҳаво ёрдамида ҳаракатланадиган шовқинсиз тикув машиналарида қишлоқ хотин-қизлари экспортбоп маҳсулотлар тайёрлашмоқда. «Ҳаққ-текс» маҳсулотларига Россия ва Европа давлатлари томонидан қизиқиш билдирилмоқда.

Ойига 50 минг дона болалар кийими тайёрлаб, буюртмачиларга етказиб бераётган корхонада 65 киши меҳнат қиляпти. Энг муҳими, кийим-кечаклар экологик тоза маҳсулот — пахтадан тайёрланмоқда.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЎзХДП ҳаёти

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛАР ЁРДАМИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ғиждувон туман кенгаши аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бўлган эътиборни тобора оширмоқда. Бу борада «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Ногиронлар» жамияти билан ҳамкорлик ўз самарасини бермоқда. Партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига тушган мурожаатлар асосида туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан 9 кишига эшитиш мосламаси, 8 нафар ижтимоий муҳофазага муҳтожларга протез ортопедия воситалари олиб берилди.

— Биргина бу эмас, — дейди туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи, ХДП фаоли Баҳодир Истамов, — 560 нафар вояга етмаганларга 3,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

— Яқин-яқингача ҳовлига чиқишга жуда қийналиб юрардим, — дейди Гўзал Каримова. — Бултур партия фаоллари уйимизга келиб, менга махсус аравача совға қилишди. Энди ўзим мустақил сайр қилиш имконига эгаман.

Партия кенгаши бундай хайрли ҳамкорликни давом эттириш, ижтимоий шериклар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

**(Ўз мухбиримиз)**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

## ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

# ТАНҚИДДАН ТЎҒРИ ХУЛОСА ЧИҚАРМОҚ ЗАРУР

Ўзбекистон ХДПнинг устувор вазифалари қандай йўллар, воситалар билан амалга оширилади? Энг аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар фаолияти орқали албатта. Дарҳақиқат, партия депутатликка номзодлар кўрсатади ва сайловда ғолиб чиқиш учун курашади. Аммо сайловчилар ишонч билдирган депутатлар барча жойда ҳам фаол ва ташаббускорми? Депутатлик гуруҳлари партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш борасида қандай таклифлар билан чиқаяпти?

Тошкент вилоят партия кенгаши ҳузуридаги сиёсий семинарнинг навбатдаги машғулотида шу масалалар муҳокама этилди. Давра суҳбати шаклида ўтган тадбир «Ўзбекистон ХДПнинг парламентчилик фаолияти: амалиёт, тажриба ва вазифалар» мавзуига бағишланди.

***Сирожиддин Аъзамов, Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Замон илгари сураётган талабларни ҳисобга олиб, аввало ўзимизда сиёсий маданиятни юксалтириб бориш, фаолиятимизда самарадорликни кучайтириш зарур. Электоратимиз манфаатини ҳимоя қилиб, ташаббус билан чиқиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Афсуски, бу имкониятлардан тўла фойдаланмаяпмиз. Сайловда овоз берган, бизни қўллаб-қувватлаган, дастурий мақсадларимизни амалга ошишига ишонган одамлар биздан нимани кутади? Буни ёддан чиқармаслик керак. Вазифаси, масъулиятини унутиб қўяётган сафдошларимиз оз эмас. Кейинги вақтда ана шундай сафдошларимиз фаолияти танқид қилинмоқда. Бундан хулоса чиқармас эканмиз, ишимизда ўзгариш бўлмайди, сиёсий куч сифатида ҳурмат қозона олмаймиз.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққанлар кейинги пайтларда депутатлик гуруҳлари бирмунча фаоллашгани, аммо ҳамон юқоридан топшириқ кутиб ўтиришга ўрганиб қолганлар ҳам оз эмаслигини тан олиш кераклигини айтишди. Шунингдек, айрим жойларда депутатлик гуруҳлари фаолиятига танқидий баҳо беришда дадиллик етишмаётгани таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари Тошкент вилоятининг йирик шаҳарларидаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, хусусан бандлик масалаларини ҳал этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ўрни ҳақидаги масалани ҳам муҳокама этдилар.

***Бахтиёр Йўлдошев, Ангрен шаҳар партия Кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари:***

— Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш ва назорат қилиш мақсадида депутатлик гуруҳи томонидан қатор ишлар олиб борилди. Натижада ўтган йил давомида касаначилик асосида 600 та иш ўрни яратилди. Депутатларимиз саъй-ҳаракати билан 70 га яқин иш ўрни ташкил этилди. Шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳам чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аммо, депутатларимизнинг изчил фаоллигига эриша олмаяпмиз. Бунинг учун ҳали кўп ишлашга тўғри келади.

Тадбир иштирокчилари депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Бу борада тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Гулгун СУЛТОНОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### • МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ

***ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши партия дастурий мақсад ва вазифаларини жамоатчилик орасида тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоялаш, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий, ахлоқий тарбиясини мустаҳкамлаш борасидаги ишларга алоҳида аҳамият бермоқда.***

2-бет

## Ижтимоий ҳимоя

### • МУРУВВАТ МАСКАНИ

**Маҳаллада меҳр-муруввагга муҳтожлар учун махсус дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ошхона, новвойхона, тиббиёт пункти ва дорихона фаолият кўрсатмоқда.**




3-бет

## Ўтмишдан ҳикоя

### • МЕҲР

**Онамни жуда яхши кўрардим. Қаерда, қандай лавозимда ишлашимдан қатъи назар, бир дам бўлса-да, меҳрига қониб суҳбатлашишга вақт топар эдим.**



4-бет

# ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Июнь ойида МДҲнинг Санкт-Петербургда ўтган норасмий саммити доирасида Ўзбекистон ва Россия Президентлари яна учрашдилар. Сентябрь ойида эса Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин Тошкентга келди.

Иқтисодий ҳамкорлик борасида Ўзбекистон ва Россия ишончли шериклардир. Ўзбекистон ташқи савдосининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади. 2008 йил якунларига кўра, бу борадаги кўрсаткич қарийб 4 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистон экспортида саноат маҳсулотларининг, хусусан, автомобилларнинг улуши (жами экспортнинг 28,6 фоизи) ортиб бораётгани диққатга сазовордир. Бундан ташқари, Ўзбекистон Россияга хизматлар (26,3 фоиз), мева ва полиз маҳсулотлари (16,3), табиий газ (11,3), тўқимачилик буюмлари (5,7), кимё саноати маҳсулотларини (4,1) экспорт қилади. Россиядан эса асосан ускуналар, ёғоч, қора ва рангли металлар, тиббиёт, микробиология ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар импорт қилинади. Аслида экспорт-импорт операцияларида қайд этиладиган товарлар ва хизматлар рўйхати янада катта ва хилма-хил. Масалан, Ўзбекистон Россия тўқимачилик саноати корхоналарига пахта толаси етказиб берувчи асосий экспортчи саналади. Ўз навбатида Россия Ўзбекистон автомобилларининг энг йирик импортчисидир.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведевнинг суҳбатида мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорликни изчил ривожлантираётгани қайд этилди. Президентлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини камайтириш борасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, Афғонистондаги вазият муҳокама қилинди.

Президентлар мулоқотни Ўзбекистон ва Россия расмий делегациялари иштирокида Оқсаройда ўтган кенгайтирилган таркибдаги музокарада давом эттирдилар. Унда асосий эътибор иқтисодий-сармоявий, гуманитар ҳамкорлик масалаларига қаратилди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Россия ўртасида сармоя соҳасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Сўнгги йилларда бу соҳада фаоллик кескин ошди. Масалан, ҳозир юртимизда фаолият юритаётган 786 Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг учдан бир қисми кейинги икки йилда тузилган. Россия томонидан бу корхоналарнинг низом жамғармасини шакллантиришга киритилган сармоя ҳажми бир миллиард АҚШ долларидан ошади. Ўзбекистонда Россиянинг 127 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. Россияда ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда тузилган 349 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон табиий газ қазиб олиш бўйича МДҲ мамлакатлари орасида учинчи ўринда туради, дунё бўйича эса етакчи ўнликка киради. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Лукойл», «Газпром» каби йирик энергетик компаниялари ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Бундай энергетик ҳамкорлик замон талабларига мос, ҳар томонлама долзарб бўлиб, табиийки, ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилади.

Яна бир муҳим соҳа — авиасозлик. Дунёда саноатнинг бу турини ўзлаштирган мамлакатлар саноқли. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ва Россиянинг авиасозлик соҳасидаги ҳамкорлиги ҳар жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳамкорлик қўшма тадқиқотлар ўтказиш, илғор технологиялар ва тажриба билан ўртоқлашиш, биргаликда авиасозлик саноати маҳсулотлари савдоси ҳажмини ошириш имконини бермоқда.

Мамлакатларимизда янада юқори кўрсаткичларга эришиш учун улкан салоҳият мавжуд. Мутахассислар сармоявий ҳамкорликда қамров ва ранг-баранглик етишмаслигини таъкидлашади. Яъни, сўнгги 3 йил давомида Россиядан Ўзбекистонга киритилган тўғридан-тўғри сармоянинг 98 фоиздан ортиғи ёқилғи-энергетика мажмуи ва телекоммуникация соҳасига тўғри келади. Бундан шундай хулоса чиқадики, иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқларига ҳам, мазкур икки соҳада бўлганидек, сармоя фаол киритилса, сармоявий ҳамкорликка доир кўрсаткич бир неча ҳисса ортиши шубҳасиз.

Музокарада Ўзбекистон ва Россия ишбилармонлари фаол ва самарали ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган устувор йўналишлар кўриб чиқилди, сармоя соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, иш одамларининг икки мамлакат имкониятлари ҳақидаги маълумотини кўпайтириш учун миллий кўргазмалар, бизнес-форумлар ташкил этишни изчил давом эттириш, минтақалараро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Томонлар гуманитар ҳамкорлик масалаларига ҳам тўхталдилар. Албатта, бу йўналишдаги алоқаларни ривожлантиришда халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ришталари муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ва Россия халқлари бир-бирининг адабиёти ва санъатини яхши билади.

Ўзбекистонда Рус маданият маркази фаолият кўрсатмоқда. Тошкентда «Росзарубежцентр» ваколатхонаси ишлаб турибди. Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг филиаллари очилган.

Спорт, сайёҳлик ва қатор бошқа соҳаларда ҳам алоқаларнинг кўламини кенгайтириш ва фаоллигини ошириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Маданият, спорт, дам олиш, саломатликни тиклаш каби соҳаларга оид сайёҳлик борасида талай қўшма лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Масалан, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатлар ташкил қилинса, икки томон учун ҳам катта самара беради.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Россия Президентларининг Қўшма баёноти қабул қилинди. Мамлакатларимиз ўртасида дипломатик ваколатхоналарни жойлаштириш ва уларга хизмат кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2009 йилга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар музокаралар очиқ, ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, эришилган келишувлар Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантиришга, икки мамлакат манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

— Россия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи ривожланиб бораётган муносабатларимизнинг мантиқий давомидир, — деди Ислом Каримов. — Россия Ўзбекистоннинг ишончли иқтисодий шеригидир. 2008 йилда жаҳонда иқтисодий вазият мураккаблашганига қарамай, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажмининг кўрсаткичи ўзгаришсиз сақланиб қолмоқда. Биз кооперация алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сармоявий ҳамкорликни диверсификациялаш, халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқалар билан боғлиқ масалаларни, Афғонистон муаммосини муҳокама қилдик.

— Бугунги музокаралар ўзаро муносабатларимиз стратегик шериклик даражасида эканини намоён этди, — деди Дмитрий Медведев. — Давлат сиёсати манфаатдорлик ва ишонч омиллари асосида шаклланади. Бизнинг алоқаларимизда ана шу икки омил мавжуд. Ўзбекистон билан Россия ўртасида яхши, фаол ва кенг кўламли муносабатлар қарор топган. Стратегик ҳамкорликни ривожлантириш мумкин бўлган устувор соҳаларни кўриб чиқдик.

Россия Президенти трансчегаравий дарёлар бўйида гидротехник иншоотлар барпо этиш масаласи тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб, бундай ҳолларда қўшни мамлакатлар билан келишиш, иншоотнинг экологик хавфсизлигини кафолатлаш, тегишли халқаро меъёрлар ҳамда қўшни давлатлар билан тузилган икки томонлама ҳужжатлар асосида иш тутиш лозимлигини таъкидлади.

Россия Президенти Дмитрий Медведев Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Олий мартабали меҳмон мамлакатимизнинг бош майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Дмитрий Медведев Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари билан учрашди. Россия Президентига ушбу олий таълим масканининг фахрий доктори унвони берилди.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

Олий мартабали меҳмонни Тошкент аэропортида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қўйди.

Шубҳасиз, мазкур ташриф асносида эришилган келишувлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик тамойиллари асосида равнақ топаётган Ўзбекистон — Россия муносабатларини янги, янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП ҳаёти

# МАСЪУЛИЯТ ТУЙҒУСИ

ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши партия дастурий мақсад ва вазифаларини жамоатчилик орасида тарғиб этиш, электорат манфаатларини ҳимоялаш, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий, ахлоқий тарбиясини мустаҳкамлаш борасидаги ишларга алоҳида аҳамият бермоқда. Бироқ эътибордан четда қолаётган масалалар, камчилик ва нуқсонлар ҳам оз эмас. Шаҳар партия кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида бу ҳақда батафсил фикр юритилди.

Фаоллар жамият ҳаётида партиянинг ўрни ва обрўсини мустаҳкамлаш; хайрихоҳларнинг ортиб боришига эришиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди. Шаҳар партия кенгаши раиси Улуғбек Исматов ҳозир Самарқандда 1800 нафар партия аъзоси 174 та бошланғич ташкилотга бирлашганини таъкидлади.

— Аммо бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг ҳаммасини ҳам бирдек фаол, деб бўлмайди. Қуйи бўғиннинг доимий ташаббускорлигига эришилмас экан, партия том маънодаги сиёсий кучга айлана олмайди, деди у.

— Депутатлик гуруҳи аҳолининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган қонунлар, Президент фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш ва бу борада жамоатчилик назорати олиб бориш юзасидан аниқ дастур ишлаб чиққан, — деди халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Мўмин Қурбонов. — Белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш учун ҳар бир партия фаоли масъулиятини ошириш талаб этилади. Шу мақсадда жойларда турли учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жамиятда аёлларнинг мавқеини ошириш мақсадида шаҳардаги 192 та маҳалла фуқаролар йиғини билан узвий ҳамкорлик ўрнатганмиз, — дейди шаҳар партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Гулчеҳра Ибрагимова. — Аёлларнинг иш билан бандлиги, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш борасида ҳам шерик ташкилотлар билан ҳамкорликда тегишли чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида кўп ишлар қилинаяпти.

Шунингдек, ижроия қўмита йиғилишида 2009 йилда бажариладиган ишлар, фаоллар олдида турган энг муҳим вазифалар белгилаб олинди.

**Абдували ХУДОЁРОВ**

ЎзХДП фаоллари

# ОДАМЛАРГА ЯХШИЛИК

## *энг савоб ишдир*

Меҳр, эътибор инсонга куч бағишлайди, эртанги кунга ишончни мустаҳкамлайди, ҳаёт ташвишларини енгиб ўтишда қувват бўлади. Партиямиз фаоли, Ғузор туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси, «Дўстлик» ордени соҳиби Дилбар Хўжақулова ўз фаолиятида ушбу қадриятларга амал қилиб келмоқда.

Моҳир ташкилотчи ва тиниб-тинчимас бу аёл ташаббуси билан хотин-қизлар қўмитаси ҳамда партиянинг бошланғич ташкилотлари ҳамкорлигида кўпгина хайрли ишлар қилинмоқда. Чунончи, кўп жойларда ёшларнинг ўқиш, иш билан бандлиги муаммолари ижобий ҳал этилмоқда.

Дилбар Хўжақулова туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида тез-тез бўлади, фуқаролар билан суҳбатлашади, уларнинг мурожаатларини диққат билан ўрганади, ёрдам беришга ҳаракат қилади.

Шўртан қўрғонида яшовчи Ойсара Муҳаммадиеванинг оилавий шароити оғир эди. Дилбар опа уни иш билан таъминлашга эришди. Шунингдек, унинг бевосита саъй-ҳаракати билан кам таъминланган 6 та оила уй-жой қуриш учун ер майдонига эга бўлди. Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 60-ўрта мактабни қайта қурилиш дастурига киритилишида ҳам партиямиз фаолининг хизмати катта бўлди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Йил бошидан буён Жамоатчилик қабулхонамизда 105 дан зиёд мурожаат қабул қилинди, — дейди ЎзХДП Ғузор туман кенгаши раиси Рўзи Холманова. — Уларнинг аксарияти уй-жой қуриш учун ер ажратиш, банкдан имтиёзли кредит олиш масаласи билан боғлиқ. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилардан ҳам мурожаатлар бор. Дилбар Хўжақулованинг ёрдами билан кўп муаммолар ижобий ечим топмоқда. У сўзи, иши, ибрати билан партия электорати, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишларни самарали олиб боришга ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Эзгуликнинг қаноти бўлади. Бутун умри, фаолияти яхшиликка йўғрилган кишиларни кўриб, уларга ҳавасинг ортади, шундай яшашга иштиёқинг кучаяди. Шундай фаоллар борлиги сабабли ҳам ЎзХДПнинг туманда хайрихоҳлари, тарафдорлари кўпайиб бормоқда.

**Замира МАМАТҚУЛОВА**

# РЕАЛ ВАҚТ ТАРТИБИДАГИ ТЎЛОВЛАР

Ўзбекистон Банк-молия академиясида бўлиб ўтган семинарда банк-молия тизимида тўловларни амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, нақд пул айланмасини камайтириш, пул маблағлари ноқонуний айланишининг олдини олиш ҳамда мониторинг қилиш масалалари муҳокама этилди.

Мамлакатимиз банк-молия тизими вакиллари учун мўлжалланган тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Олий бизнес-мактаби билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ҳ.Муҳитдинов мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологияларини хўжалик фаолиятининг барча жабҳалари, жумладан, банк-молия соҳасига жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид қонунчилик базаси яратилди, энг янги дастурий маҳсулотлар татбиқ этилмоқда, замонавий ахборот технологияларини тез ўзлаштириш учун юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассислари банк муассасаларига энг янги ишланмаларни жорий этишда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Маърузаларда амалга оширилган ишлар натижалари батафсил ёритилди. Чунончи, бугун мамлакатимизнинг барча жойларида электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда, электрон ҳужжат айланиши тизими, давлат ташкилотлари ва идораларининг интерфаол хизматлари амалга жорий қилинаётгани қайд этилди. Мамлакатимиз банклари томонидан чиқарилаётган электрон пластик карточкалар амалда кенг қўлланилмоқда. Ушбу карточкалар бўйича махсус терминаллар ва модуллар орқали турли тўловларни амалга ошириш мумкин. Одамларга он-лайн-тўловлар тартибида харид қилиш имконини берадиган Интернет-тижорат янада оммалашмоқда.

Ўзбекистон банклари ўртасида жисмоний шахслар учун он-лайн-банкинг тизими жорий этилган бўлиб, у мижозларга ўз ҳисоб-китоб ҳисобварағини бошқариш ва узоқ масофаларга Интернет ёки мобиль алоқа орқали тўловларни амалга ошириш имконини беради. Бир қанча банклар томонидан таклиф этилаётган SMS-банкинг хизмати орқали эса мижоз мобиль телефон ёрдамида ўзининг банкдаги ҳисоб ўтказмалари бўйича тезкор ҳисобот олиши мумкин.

Семинар давомида замонавий ахборот технологияларини миллий тўлов тизимига жорий этиш, банк-молия муассасаларида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни қўллаган ҳолда, мижозлар билан ишлашни яхшилаш бўйича фикр алмашилди.

**В.НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# НУКУС НОНЛАРИ

## таъми оғзингизда қолади...

— Нукус нон ва нон маҳсулотлари жамиятини илгари банкрот бўлиб ёпилган корхона ўрнида очдик, — дейди жамият раиси Байрамбой Халилаев. — Беш йил муддатга лизинг йўли билан 422 миллион сўм кредит олиб, кенг кўламли реконструкция ишлари бажарилди. Янги йил арафасида шаҳар аҳлига сифатли нон ва нон маҳсулотлари чиқара бошладик.

Дарвоқе, корхона цехларида аҳолига сифатли, мазали нон ва нон маҳсулотлари етказиб



Суратлар муаллифи Азамат АЛЛАШЕВ



бериш жараёнлари бир маромда олиб борилмоқда. Жумабой Тилеуниёзов раҳбарлик қилаётган нон тайёрлаш цехи ишчи-хизматчилари ишлаб чиқаришни буюртма асосида ташкил этиб, савдо дўконларига кунига 6,5-7,0 тоннагача маҳсулот етказиб бермоқда.

— Бизнинг мижозларимиз кўп, — дейди оби-нон ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехи раҳбари Қутлибике Жаримбетова. — Нон дўконлари, ошхоналар, буфетлар, шунингдек, болалар боғчалари, касалхоналардан ҳар куни кулча, ёғли кулча, батон, булочка сингари нон маҳсулотларига кўплаб буюртма оламиз.

Корхонада ишлаб чиқарилаётган макарон, вермишел, лағмон ва бошқа тур маҳсулотларнинг ҳам бозори чаққон. Жамият тасарруфида ҳозир нон ва нон маҳсулотлари билан савдо қилувчи учта фирма ва тўртта махсус дўконлар кеча-кундуз аҳоли хизматида.

Яқинда бу ерда бўлган хорижлик бир меҳмон корхона таклифлар дафтарига шундай сўзларни ёзиб кетибди: «Нукус нонининг таъми оғзингизда қолади...»

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Пекиндаги «Дяоюйтай» давлат қароргоҳида «Санъат ва Дунё» халқаро симпозиуми бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Хитой халқаро муаммолар институти жамғармаси Халқаро тадқиқотлар алмашинуви маркази томонидан ХХР ташқи ишлар, маданият вазирликлари ва рассомлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

# ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТКОРЛАРИ ПЕКИНДА

Анжуман ишида халқаро ташкилотлар, Пекиндаги хорижий дипломатия ваколатхоналари, хитойлик, шунингдек, МДҲ, Словакия, Австралия ва бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган санъатшунос ва рассомлар, Хитой вазирлик ва идоралари раҳбарлари билан бир қаторда Ўзбекистон Бадиий академияси вакиллари ҳам иштирок этди.

Симпозиумда маданий мулоқотларни ривожлантириш зарурлиги, ҳар бир мамлакатда замонавий санъат тамойилларини ривожлантириш ва маданий меросни асраб-авайлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мазкур халқаро тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда бугунги кун бадиий санъати, хусусан, илдизлари қадим ўтмишга бориб тақалувчи маънавий анъаналардан озуқа олган тасвирий санъатнинг ривожланишига оид маълумотларга эга бўлди. Улар шунингдек, ўзбек халқи миллий дунёқараши тикланган, моддий ва маънавий маданият ёдгорликларида уйғунлашган тарихий-маданий мерос ва ноёб бадиий анъаналарни англаш жараёнлари янги поғоналарга кўтарила бошлаган мустақил Ўзбекистон тараққиётининг янги даври билан ҳам танишди.

«Санъат ва Дунё» симпозиуми доирасида хитойлик ва хорижий рассомлар суратлари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда намойиш этилган Ўзбекистон Халқ рассоми, Республика Бадиий академияси академиги Акмал Нур мўйқаламига мансуб асарлар меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди. Кўргазмага ташриф буюрганлар ўзбекистонлик мусаввирнинг «Доира мақоми», «Иссиқ нон», «Беданaнинг сайраши» каби асарлари орқали шарқ санъатининг шеърий гўзаллиги, кузатувчанлиги ва тасвир рамзийлигидан бевосита баҳра олиш имкониятига эга бўлди.

**«Жаҳон» АА,**
*Пекин*



**Суратда:** Ўзбекистон Халқ рассоми Акмал Нур.

# КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА!



Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети чет тиллар факультетининг талабалари ҳам олган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида дарсдан кейин баҳс-мунозара ўтказиб туришади. Бундай дўстона тадбирлар уларнинг билимини теранлаштиришга, тафаккур оламини кенгайтиришга ёрдам беради. Зеро, баҳсларда билим мустаҳкамланади, мунозараларда тафаккур чархланади.

***Суратда:*** *талабалар баҳс-мунозарасидан лавҳа.*

**Шавкат ҚАҲҲОРОВ** олган сурат.

## ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Гулистон шаҳрида Наврўз умумхалқ байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган «Қалбимда Ватан мадҳи» деб номланган кўрик-танловнинг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Эстрада санъатини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилаётган танловда туман ва шаҳар босқичларида сараланган ёш хонандалар иштирок этди.

Кўрик-танловни гулистонлик хонанда Икром Абдуманнопов "Ватан" номли қўшиғи билан бошлаб берди. Сирдарё туманилик Илҳом Мамадалиев, Оқолтин туманилик Бахтиёр Хидиров ижро этган қўшиқлар ҳам жозибадорлиги билан мухлислар олқишига сазовор бўлди. Гулистонлик Баҳодир Хўжақуловнинг Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган қўшиғи ҳам тингловчилар қалбидан жой олди.

Ғолиблар кўрик-танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

**Д.ЭСОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## 2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

# БУХОРОНИНГ ЯНГИ ЎҚУВ МАСКАНЛАРИ

«Бухорожамоақурилиш» уюшмасига қарашли «47-ХКМК» масъулияти чекланган жамият қурувчилари Ғиждувон шаҳрида 795 ўринли академик лицей биносини барпо этишмоқда. Лойиҳа қиймати 3 миллиард 486 миллион сўмлик бу билим масканини июнь ойига қадар қуриб битказиш режалаштирилган.

— Бу Ғиждувондаги биринчи лицей ҳисобланади, — дейди туман ҳокими ўринбосари Ўткир Аминов. — Унда иқтидорли болалар таълим олиши билан бирга, юздан зиёд киши муқим иш ўрни билан таъминланади.

Пешку туманида ҳам 540 ўринли қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи қад кўтармоқда. У «20-трест» масъулияти чекланган жамиятга қарашли «9-КМК» қурувчилари томонидан бунёд этилмоқда. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 580 миллион сўм бўлган бу билим ва ҳунар масканини фойдаланишга топширилгач, юзлаб ёшлар миллий ҳунармандчилик сир-асрорларини ўрганадилар.

Қоракўлдаги «192-ХКМК» масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида «Дарғали» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Педагогика ва спорт касб-ҳунар коллежи қурилишини тезкорлик билан олиб бормоқдалар.

— Лойиҳа қиймати 2 миллиард 396 миллион сўм бўлган мазкур коллежни шу йилнинг август ойида фойдаланишга топширамиз, — дейди жамият раиси, партиямиз фаоли Итолмас Рўзиев.

Тумандаги «Қувачча», «Човли» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида «Нефть-газ», «Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик» коллежлари қурилишлари бошлаб юборилди. Уларни 20-қурилиш трестига қарашли 17-вакиллик ҳамда «Миркулол» хусусий трести қурувчилари бунёд этишаяпти.

Бугина эмас, ҳудудда туман халқ таълими бўлимига қарашли 1,2-умумтаълим мактаблари ҳам жорий таъмирдан чиқмоқда.

Қишлоқда болалар спортини ривожлантиришга хизмат қилувчи иншоотлар қурилиши алоҳида эътиборда. Тумандаги 11,14-мактабларда ўлчами 12х24 метр замонавий спорт заллари қурилаяпти.



**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## Премьера

# «СУКУНАТ»

Куни кеча пойтахтимизнинг Алишер Навоий номли кино саройида режиссёр Ёлқин Тўйчиевнинг «Сукунат» фильми премьераси бўлиб ўтди. «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига кўра «5-студия» томонидан трагик драма жанрида яратилган бу фильм актёр ҳаётининг томошабинларга номаълум бўлган жиҳатлари — кундалик турмуш тарзи, иш фаолияти, саҳна ортидаги кечинмалари ҳақида.

Фильмда бош ролларни таниқли актёрлар — Раъно Шодиева ва Фотиҳ Жалолов ижро этган. Бундан ташқари, фильмда Нозим Тўлахўжаев, Юлдуз Ҳамидова каби моҳир актёрлар билан бир қаторда иқтидорли ёшлар суратга тушган. Катта экранларга чиқарилган бу фильм томошабинларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

**(Ўз мухбиримиз).**

## Спорт

### «УЛКАН ТОЖ» МУСОБАҚАСИДА

Мельбурн шаҳрида «Улкан тож» туркумига кирувчи Австралия очиқ чемпионати давом этмоқда. Унда икки нафар



теннисчимиз қатнашишди. Улар биринчи босқич ўйинларида рақибларини мағлубиятга учратиб, мутахассислар ишончини оқлашди. Бироқ, иккинчи босқичда Денис Истомин франциялик Ришар Гаскега (3/6, 4/6, 4/6), Оқгул Омонмуродова испаниялик Мария Жузе Мартинесга (2/6, 4/6) ютқазди. Энди Омонмуродова жуфтлик мусобақаларида маҳоратини синовдан ўтказади. Агар «Улкан тож»да кучлиларнинг кучлиси иштирок этишини инобатга олсак, иккала спортчимизнинг биринчи босқичдан ўтишининг ўзи ҳам катта муваффақият.

### ЯНА ПЕНАЛЬТИЛАР...

Кеча МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари мусобақаси-



нинг ярим финалида Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари Молдованинг «Шериф» жамоасига қарши майдонга тушишди. Асосий таркиб ўйинчиларини миллий терма жамоамизга сафарбар этган пахтакорчилар бу учрашувда ҳам уюшқоқлик билан тўп суришди. Бироқ, ўйиннинг асосий вақти дуранг билан якунланди — 2:2. Пенальтилар бўйича омад рақибларга кулиб боқди — 3:4.

### 12 МИЛЛИОН ФУНТ СТЕРЛИНГ

Лондоннинг «Арсенал» клуби мана шу маблағ эвазига Санкт-Петербургнинг «Зенит» жамоаси ҳужумчиси Андрей Аршавинни харид қилишга тайёр. Агар Аршавин клуб таркибида яхши ўйин кўрсатса, трансфер баҳосини 15 миллион фунт стерлингга кўтаришга ваъда беришган. Хабарингиз бор, «Зенит» клуби 20 миллион фунт стерлинг тўланган тақдирдагина, Аршавин бошқа жамоага ўтишига рози бўлишини билдирган.



## Ўтмишдан ҳикоя

# МЕҲР

Онамни жуда яхши кўрардим. Қаерда, қандай лавозимда ишлашимдан қатъи назар, бир дам бўлса-да, меҳрига қониб суҳбатлашишга вақт топар эдим.

Кунлардан бир кун уйга борсам, онам ҳовлига шакароб қилиб сув сепаётган экан.

— Ҳа, сиздан бошқа сув сепадиган одам қолмадими? Шошманг, ҳозир ўзим сепаман, — деб қўлидан челакни олмоқчи бўлдим.

— Тўхта, болам, барибир, мендай сув сепа олмайсан! Сув сепганда орқага чекиниб бориш керак, шунда из қолмайди. Буни менга бувинг ўргатган, айланай, болам.

Онам челакни бир четга қўйди-да, ҳовлимиздаги гулзорга кириб кетди. Гуллар ҳафсала билан экилган эди. Бир чеккада чаман бўлиб очилган чиннигул, унинг ёнида сада, оширайҳон, қорарайҳон. Бир тарафда эса кўм-кўк ўсма.

Онам гулзор оралаб оқ ва қора сада билан райҳон олиб чиқди. Гулларни бир четга қўйиб, айвон лабидаги олапўстакка ўтирди-да, дуога қўл очди. Узундан-узоқ дуо қилди.

— Юқорига ўтинг, кўрпачага ўтиринг, — деб қистадим мен.

— Йўқ, болам, шу ер яхши, сен ўтақол, — деб онам менга мулозамат қилди.



— Шу пўстакни яхши кўрадилар, — деб гапга аралашди келинойим.

— Ҳа, келинойи, бу пўстак отамдан ёдгорлик. Шунинг учун ҳеч қаерга, ҳеч кимга ишонмайдилар, тўғрими?! — деб эркалаб қўйдим. — Онажон, пўстакнинг тарихини айтиб беринг!

— Айланай, келин, Маъруфжон раҳматли, гермон уруши тугагандан кейин яна беш-олти йил қолиб кетган. Келгандан сўнг суюнганимиздан атаб боқиб юрган қўйни оёғи тагига сўйдик. Чунки у пайтда гўшт анқонинг уруғи бўлган. Ҳовлимиз одамга тўлиб кетган. Ўшандан буён мана шу олапўстак менга ҳамроҳ.

Онам билан бироз суҳбатлашгач, наридан-бери чой ичиб, ўрнимдан турдим, ишга отландим. Онам эшиккача кузатиб қўйди.

— Ҳалол ишла, болам. Ҳалолнинг илдизи мингта, ҳаромники эса битта. Эҳтиёт бўлиб ишлайвер. Мартабанг баланд бўлсин, — деб дуо қилиб қолди.

Йўлда келаяпман-у, онамнинг гапини ўзимча мушоҳада қиламан. Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормаган қанча! Иймони саломат одам эл меҳрига сазовор бўлади, эл ардоғида яшайди. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак, деб ўйлайман.

Мана, орадан шунча йиллар ўтиб кетди. Онамнинг «ҳалол ишла, болам» деган ўгити ҳамон ёдимда, хотирамда. Энди ўйлаб қарасам, онамнинг меҳрибонлик билан айтган бу сўзлари аслида мени асраш учун айтилган экан. Бугун мен ҳам болаларимга, невараларимга онамнинг ўгитларини такрорлаб тураман...

Оқсоқол ижодкор, устозимиз Мақсуд Қориев шундай деб ўз ҳикоясини тугатди.

**Юнус ЗИЁДОВ,**
**меҳнат фахрийси.**




# «VERSAL-N» — ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

Наманган шаҳрида уч юлдузли «Versal-N» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди. Хусусий тадбиркор Нодирбек Баҳромов маблағи эвазига қурилган бу меҳмонхона шаҳар ҳуснига кўрк бағишлаши билан бирга, мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ва хориждан келадиган меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш имконини беради.

— «Versal-N» ҳудудимиздаги энг гўзал масканлардан бири бўлиб қолади, — дейди «Тўқувчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саҳобатхон Шокирова. — Аҳолига хизмат кўрсатиш масканининг бунёд этилиши билан 30 нафар киши доимий иш билан таъминланди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**
**Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА)** олган сурат

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси журналистика факультети декани, профессор Қудрат Эрназаровга онаси **ШОҲИДАХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13
Madaniyat va sport — 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56
Mas`ul kotib — 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 50
16380 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 21.30
Topshirilgan vaqti — 23.30
7
Sotuvda erkin narxda